Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 2 май, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 31 (7028)

Da'vat

Республикамизга хорижий сармояларни жалб этиш — иқтисодиётимизни ҳар томонлама ривожлантиришимиз, халқ фаровонлигини оширишимиз учун восита бўладиган омилдир.

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

Урганч туманига қарашли Комилжон Отаниёзов номидаги мактаб (директори Икром Зарипов) жамоаси Оила йилида қизларни ҳаётга тайёрлашни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида илм маскани ҳудудига тандир қуришди.

МДҲ: МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28—29 апрель кунлари Россия пойтахтида бўлиб, МДҲ мамлакатлари давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Москва саммити илгариги учрашувлардан фарқли ўлароқ, номигагина ўтказилмади. Унда оз бўлса-да, энг долзарб ва муҳим масалалар муҳокама этилди.

Дастлаб МДҲ мамлакатлари давлат раҳбарлари кенгашининг раиси масаласи кўриб чиқилиб, Россия Президенти Борис Ельциннинг ушбу лавозимдаги ваколатини 2000 йилга қадар узайтиришга келишиб олинди. Б. Ельциннинг давлат раҳбарлари кенгашига раислик қилиши МДҲ аъзоси бўлган мамлакатлар, хусусан Ўзбекистон тутган нуқтаи назарга ҳам уйғундир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, биз Б. Ельцин бошчилигидаги Россия тарафдоримиз.

Ташкилий масалаларга тааллуқли яна бир муҳим воқеа — Ўзбекистон Бош вазирининг МДҲ мамлакатлари ҳукумат раҳбарлари кенгаши раиси этиб тайинланганидир. Учрашув ниҳоясида таъкидланганидек, МДҲнинг юқори органлари раҳбарлари илгари фақат Россиядан сайланар эди. Шу боис келишувга биноан, ҳукумат раҳбарлари кенгашининг раиси этиб Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов тайинланди. Бу мамлакатимизга кўрсатилган эҳтиром ва ишонч, шунингдек, Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси, давлатимиз раҳбари юритаётган оқилона сиёсатнинг эътирофи, Ўзбекистоннинг нуфузи кескин ўсганлигидан далолатдир.

МДҲ ижроия кенгаши котиби этиб, Россия хавфсизлик кенгаши котибининг собиқ ўринбосари Б. Березовский тайинланди.

Учрашувда бўлиб ўтган мулоқотлар, баҳс-мунозаралар ниҳоясида энди учрашувларда биринчи навбатда иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама этишга келишиб олинди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов МДҲ га асос солинганидан буён, бу тузилма доирасида биринчи навбатда иқтисодий ҳамкорлик масалалари устувор бўлишига эътиборни қаратиш лозимлигини таъкидлаб келади. Шу маънода Москва учрашувида эришилган келишувда давлатимиз раҳбарининг ҳиссаси салмоқлидир.

Саммитда хавсизлик ва барқарорлик, МДҲ га аъзо айрим мамлакатлар ҳудудидаги ҳарбий-сиёсий низоларни бартараф этиш, аввалги учрашувларда имзоланган ҳужжатларни ҳаётга кенг тадбиқ этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Саммит сўнгида журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувда, шу йил ёзда МДҲ мамлакатлари давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтиши таъкидланди. Навбатдан ташқари ўтказилажак ушбу учрашувда Ҳамдўстликни тубдан ислоҳ қилиш масалалари муҳокама этилади.

«Маърифат» шарҳловчиси

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси тўғрисида

АХБОРОТ

30 апрель куни Тошкентда биринчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси бошланди.

Сессияда Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар дипломатик корпусларининг элчи ва вакиллари ҳамда республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлдилар.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқармоқда.

Сессия иштирокчилари дастлаб Олий Мажлис депутатлари Замирахон Холматова ва Супон Тиллаев хотирасини бир дақиқалик сукут билан ёдга олдилар.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — котибиятни тузди.

Депутатлар мандат комиссияси раиси Ш. Мирзиёевнинг маърузасини тинглаб, Олий Мажлиснинг янги сайланган депутатлари ваколатларини эътироф этиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Парламент аъзолари сессия ишининг кун тартибини тасдиқладилар.

Шундан кейин парламент Узбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т. Камоловни Олий Мажлис Раисининг ўринбосари этиб сайлади.

Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов Ер кодекси, Қишлоқ хўжалик ширкати, Фермер хўжалиги, Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари юзасидан маъруза қилди.

Ер кодекси лойиҳасининг иккинчи ўқишдаги муҳокамасида Фарғона вилояти Бағдод тумани ҳокими А. Абдусаматов, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги «Оқ олтин» жамоа хўжалиги раиси С. Ҳалимбетов, Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги «Савай» агросаноат бирлашмасининг бош директори С. Исмоилов, Сурхондарё вилояти «Шерободсувқурилиш» трести бошқарувчиси М. Бойкелдиев иштирок этди.



Қишлоқ хўжалик ширкати тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Тошкент вилояти Бўка тумани ҳокими Р. Обидов, Фарғона вилояти Фурқат туманининг Фурқат номидаги ширкатлар уюшмаси бошқаруви раиси М. Собиров, Наманган вилояти Поп тумани ҳокими Х. Талабоев, Самарқанд вилояти Нарпай туманининг Бобур номидаги агрофирмаси раиси С. Ҳабибов сўзга чиқди.

Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама этишда Самарқанд вилояти Ургут туманининг Ҳамза номидаги агрофирмалар уюшмаси бошқаруви раиси Э. Отамуродов, Бухоро «Пахтасаноатсотиш» акциядорлик жамияти раиси М. Умаров, Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани ҳокими М. Эгамова иштирок этди.

Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокамасида Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани ҳокими Ш. Алланазаров, Қорақалпоғистон Республикаси Турткўл туманининг ёпиқ турдаги «Шурахон» қишлоқ хўжалик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А. Абдукаримов, Тошкент вилояти Чиноз туманининг Амир Темур номидаги фермерлар уюшмаси раиси Т. Ботиров, Сурхондарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи А. Лапасов сўзга чиқди.

Депутатлар Ер кодексини тасдиқлаб, Қишлоқ хўжалик ширкати, Фермер хўжалиги, Деҳқон хўжалиги ҳақидаги қонунларни ҳамда уларнинг кучга кириш тартиби ҳақидаги қарорларни қабул қилдилар.

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессия иштирокчилари ҳузурида катта нутқ сўзлади. У қабул қилинган Ер кодекси ва бошқа қонунларнинг агросаноат мажмуида ислоҳотларни бундан буён ҳам давом эттиришда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб, бугунги кунда қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари раҳбарлари, қишлоқ меҳнаткашлари, бутун Узбекистон халқи олдида турган янги вазифаларга батафсил тўхталди.

Президент депутатлар эътиборини ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича дастлабки ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни амалга ошириш, ҳар бир гектар ердан олинадиган ҳосилдорликни кўтариш, фермер ва деҳқон хўжаликларини тараққий эттириш ва шу тариқа қишлоқ аҳолисининг доимий равишда иш билан таъминланишига эришиш зарурлигига қаратди.

Шундан кейин депутатлар давлат Ер кадастри ҳақидаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилишга киришдилар. Бу масала юзасидан аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси котиби П. Шаропов маъруза қилди. Мазкур ҳужжатни муҳокама этишда Самарқанд вилояти Жомбой тумани ҳокими К. Исроилов, Фарғона вилояти Қува туманининг Ш. Рашидов номидаги «Анор» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Сайфиддинова, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг кафедра мудири Ш. Йўлдошев, Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги «Истиқбол» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси К. Иззатиллаев, Самарқанд вилояти Ургут туманининг Алишер Навоий номидаги халқ корпорацияси раиси А. Зиёев, Тошкент вилояти Паркент тумани ҳокими Т. Холтоев, Узбекистон Фанлар академияси

(Давоми 2-бетда)

Bolangizga darslik oldingizmi?

ДАРСЛИК УЧУН ЯНА МИЛЛИОН

Ҳозирда жойлардаги раҳбарлар фаолиятини баҳолашда саноат, қишлоқ хўжалиги, умуман олганда иқтисодий кўрсатгичлар қаторида ушбу ҳудудда таълим-тарбия, маънавий-маърифий ишларнинг қандайлигига ҳам муҳим мезон сифатида қаралмоқда. Қолаверса, бу соҳа ўзининг аҳамиятлилигидан ташқари, ҳеч бир бўрттириб кўрсатиб ёки бировдан қарз олиб тўлдириб бўлмаслиги билан ҳам бошқаларидан фарқланади.

Агар газетамизни кузатиб бораётган бўлсангиз, биз дарсликлар ёрдам бермоқда. Ишчи гуруҳ раҳбари, халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султонов яқинда Самарқанд вилоятида бўлиб, фаоллар, таълим муассасалари ходимлари иштирокида йиғилиш ўтказиб келди. Уларга ушбу вазифанинг муҳимлиги ва долзарблиги тушунтирилди. Шу ўринда мазкур ишнинг жойлардаги ижросини акс эттирувчи бир мисол келтирсак: Самарқанд вилоят ҳокими айнан шу масала юзасидан қарор қабул қилди. Бу одатда жараёнда амалга оширилиши лозим бўлган расмий бир ҳужжат сифатида қаралан аҳамиятлики, шу кунга қадар таълимга ҳар томонлама ҳомийлик қилиб келаётган саховатли кишиларни ҳам бу ишга жалб этиш. Тўғри, дарслик билан 1-синф, меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернат ўқувчилари бепул таъминланади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар фарзандларига эса мактаб кутубхонаси фондидан фойдаланиш каби имтиёзлар берилган. Бироқ ҳар бир ўқувчини дарсликлар билан таъминлашдек улкан ҳамда ўта жиддий ишда қанчалик кўмакдошлар кўп бўлса, шунча яхши. Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида бу борада ҳомийлик қилувчилар учун махсус ҳисоб рақами очилганлиги, унга дастлабки миллион тушганлигини хабар қилгандик. Тошкентдаги «Ариана плюс» фирмаси ҳам ушбу ташаббусга қўшилиб, 1 миллион сўм пул ўтказди. «Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди», дейди халқимиз. Шундайин тантилар бор экан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ўз вақтида бажарилиб, ўлкамиз гуллаб-яшнашига ишонасан киши.

А. РАҲИМОВ

P.S. Ёрдамга муҳтож оилаларнинг болаларини дарсликлар билан таъминлаш хайрия ёрдами ҳисоб рақами: 20204000000101044001 ЖСБ Меҳнат бўлими. Банк коди 00423

лар пуллик бўлганлиги, унинг моддий ва маънавий сабаблари ва энг муҳими ўқувчини дарслик билан таъминлаш барчамизнинг ишимизга айланиши лозимлигини бот-бот такрорлаяпмиз. Боиси — моддий маблағ билан боғлиқ бўлган бу ўзгаришга, аввало, ота-оналарни (бу ҳол улардаги фарзанди таълим-тарбияси учун масъулликни бир қадар ошириб) кўниктириш, жойлардаги раҳбарларнинг, савобталаб кишиларнинг бу ишга эътиборини қаратиш.

Юқорида таъкидлаганимиз — ўқувчиларни дарслик билан таъмин этишда иштирокчилар доирасини кенгайтириш Халқ таълими вазирлиги диққат эътиборида. Вазирликда тузилган шу иш билан шуғулланувчи ишчи гуруҳ вилоятлар, туманлар, хўжаликларда бўлишиб, жойларда дарсликлар савдоси билан боғлиқ тадбирларни уюштириш бўл қилинади. Бироқ унинг мазмуни билан танишсангиз умумвазифанинг янада аниқлашганлигини кузатасиз. Масалан, «Вилоят ҳудудидаги ҳуқуқий мақомидан қатъий назар барча ташкилот, корхона, муассаса ва жамоа хўжалиги раҳбарлари ўз жамоаларидаги ишчи ходимларнинг фарзандлари, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар фарзандларини дарслик билан таъминлаш чораларини кўрсинлар», дейилади қарорда. Мантиқан ўйлаб қараганда, албатта ишчи ёки хизматчи фаолият кўрсатаётган, ўзини бахшида этган маълум бир ташкилот ёки корхона унинг жамики ташвишини, жумладан фарзандининг дарслик билан таъминланишини ҳам ҳисобга олиш керак. Бу айни кунда замон талаби, бозор иқтисодиёти шароитида мавжуд бўлиб қолишнинг муҳим шарти ҳамдир. Халқ таълими вазирлигининг ушбу тадбири яна бир жиҳати бир

ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА ҚАЕРЛАРДА ЎТАДИ?
2-бет

ҚАЧОН Е, ҚАЧОН УЕ ЁЗИЛАДИ?
3-бет

ТАНЛОВ ТАРАДДУДИ

Куни кеча республика Халқ таълими вазирлигининг мажлислар залида ўтказилган йиғилиш саноқли кунлардан сўнг бошланадиган таълим тасарруфидаги муассасаларнинг «Ўзбекистон қўшиқ байрами» танловини муваффақиятли ўтказиш масаласига бағишланди. Уни Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев бошқарди.

Демак, ўз-ўзидан маълумки, барча вилоятлардан ташриф буюрадиган танлов иштирокчиларига керакли шарт-шароитларни ҳозирлаш хусусида танлов ташкилотчилари қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар. Бу ғамхўрликларга жойлардан келадиганлар ҳам ўз акс-садоси билан жавоб беришади, деган умиддамиз.

O'zbekiston qo'shiq bayrami

ҚУВНОҚЛАР ҚЎШИҒИ

Пўлат Мўмин шеъри
Надим Норхўжаев мусиқаси



1. Бизни дерлар қувноқлар,
Бир-бирига иноқлар.
Бизлар боғча боласи,
Қандай ширин бу чоғлар.

Нақорат:
Сафимизда учрамас
Лапашанглар, қўрқоқлар.

Қўлимизда ҳилпирар
Юлдуз, ойли байроқлар.

2. Бизлар қўшиқ айтганда
Тинглар яқин-йироқлар.
Боғчамизда ўйнаймиз,
Дарров келинг ўртоқлар.
Нақорат:

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга ташриф буюрган Япония иқтисодий ташкилотлари Федерацияси (Кейданрен) раиси, «Тойота Мотор Корпорейшн» корпорацияси раиси Шичиро Тойода раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.**

- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан А. Абдураҳмонов Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланди.**

- **Юртимизда қомусий аллома Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилаётган экан, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев ва бир гуруҳ комиссия аъзолари Фарғона вилоятида бўлишди.**

JUMLADA JAHON

- **БМТ бош котиби Кофи Аннаннинг Африканинг саккиз мамлакати — Эфиопия, Жибути, Кения, Танзания, Руанда, Бурунди, Уганда ва Эритреяга келиши кутилмоқда.**

- **Эрон ташқи ишлар вазири Камол Харрози матбуот анжуманида Клинтон маъмуриятининг Эронга нисбатан муносабати кейинги пайтда анча ўзгарганлигини таъкидлар экан, агар АҚШ Эронга нисбатан душманлик кайфиятидан воз кечмаса, у ҳолда биз Қўшма Штатлар билан расмий мулоқотга киришмаймиз, деди.**

- **БМТ Хавфсизлик Кенгаши раҳбари японияник Хисаси Овада журналистларга кенгаш шимолий иттифоқ раҳбарлари билан толибонлар ўртасида Исломободда бошланган музокараларга катта умид боғлашини билдирди.**

MMM

XABARLARI

SHOIR TASHRIFI

Taniqli shoir Muhammad Yusufning Olmaliq shahridagi 7-o'rta maktabga tashrifi mazkur ilm dargohidagi adabiyot ixlosmandlarini xushnud etdi. Ular shoir bilan suhbat qurishdi.

Maktab ilmiy bo'lim mudiri M. Alimboeva tashabbusi hamda «Olmaliq g'isht» hissadorlik jamiyati homiyligida o'tkazilgan bu tadbirda Toshkent viloyati «Ma'naviyat va ma'rifat» markazi rahbari R. Sheraliyev, Olmaliq shahar «Ma'naviyat va ma'rifat» markazi direktori S. Tangirovlar ham ishtirok etishdi.

O. DADAYEV

YANGI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYA

Andijon tumanidagi 43-o'rta maktabda tuman maktablari kimyo va biologiya o'qituvchilarining «Kimyo va biologiya darslarida yangi pedagogik texnologiyani joriy etish tajribalari» mavzusidagi seminari bo'lib o'tdi.

Qatnashchilar dastlab ushbu maktabda qo'llanilayotgan reyting tizimidagi mashqlar bilan tanishdilar, so'ngra o'zlarining ilg'or ish tajribalari bilan o'rtoqlashishdi.

SH. KELDIYEV

USTOZNI ESLAB

Toshkent VPXMOIda ham ustoz Oqilxon Sharafiddinov tavalludining 100 yilligi katta tantana qilindi. Unda so'zga chiqqan olimlardan K. Nazarov, Yu. Abdullayev, A. Tojiyevlar u kishining hayoti va ijodiy faoliyati haqida qiziqarli xotiralaridan gapirib berishdi.

M. ISHOQOV

YOSH XATTOTLAR

X. Mirzaqulova Qorako'l tumanidagi 2-maktabda yoshlarga eski o'zbek yozuvidan saboq beradi. Fidoyi muallima shuningdek maktabda yosh xattotlar to'garagini ham boshqaradi.

Yaqinda uning tashabbusi bilan maktab o'quvchilari o'rtasida «eng yaxshi xattot» tanlovi o'tkazildi. Buni qarangki bir biridan nafis husnixat egalari anchagina ekan. Ular muallima tomonidan moddiy va ma'naviy rag'batlantirildi.

D. JABBOR

MMM
XABARLARI

Ijodkor o'qituvchilarning VII respublika anjumani oldidan

ТОШ ЁМҒИР

Кузнинг хазонлари заъфарон ёмғир,
Бошларга ёғади тош каби оғир.
Оллоҳим, бандангга бардош ато эт,
Сенинг измингдадур аввалу охир.

ТААССУФ

Дунёи дун ичра ажабтовур ҳол,
Ағдарилиб ётар ҳикмату мақол.
Тўғрилар оздилар, ўғрилар ўзди,
Камтарга камол йўқ, манманга завол.

Ёқубжон АҲМАДЖОНОВ,
Наманган шаҳридаги 25-ўрта мактаб раҳбари

БИР КУНИ

Дийдалар интизор. Киприкдан
Бир титраб соғинчлар тўкилар.
Йўлингда кўзлари тўрт бўлган,
Алифдек сабрлар букилар.

Илинжнинг ингичка иплари,
Умидни узмоққа чоғланар.
Хаёлинг бир ширин. Дил эса
Сен томон маҳкамроқ боғланар.

Гоҳида шубҳалар ғимирлар,
Уларни ўтларга ёқаман.
Юрагим, тилагим шивирлар:
«Бир куни мен сени топарман».

Нигора РАҲИМОВА,
Вобкент туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси

ОНА ЮРТ БАҲОРИ

Дилга завқ бағишлар баҳор нафаси,
Ўлкамни безайди майса, лолазор.
Қалбим туғёнидир кўкламнинг саси,
Шеъримга сарлавҳа бўлур гулбаҳор.

Субҳидам уйғониб юртим кезаман,
Табиат кўркига термулиб, боқиб.
Илҳомим қистаса шеърлар ёзаман,
Кўксимга баҳорнинг гулларин тақиб.

Атрофим ям-яшил, шодона завқим,
Завқланиб сайрашар қумри, булбуллар.
Баҳорий шодликдан ошади шавқим,
Шоший дер, баҳордан шодланар диллар.

Сиддиқхўжа ШОШИЙ

Ўқитувчи ён дафтаридан

Ўқувчи юқори синфда ўқиса ҳам ўқитувчиси олдида ёш боладир.

* * *

Ҳалол меҳнати эвазига яшаётган маърифатчи уз оиласи учун кўп қаватли, бир неча хонали бошпана қуролмаслиги мумкин, аммо ўқитган ўқувчилари улкан шаҳарлар бунёд этишга қодир.

* * *

Таъмагирликнинг ўсимлик танасига чирмашган зарпечакдан фарқи бўлмайди.

* * *

Маърифатчининг таъмагирлиги барча таъмагирликларга нисбатан иснодлироқдир.

* * *

Олимларнинг ўзаро низолари уз миллатига қимматга тушади.

* * *

Мактаб раҳбари иш жойидаги ҳар кунги майда-чуйда, икир-чикирлардан хабардор бўлмас экан — унинг иш мазмуни самарасиз бўлаверади.

* * *

Раҳбарлик қилиш борасида энг масъулиятлиги мактабни бошқаришдир. Чунки мактаб раҳбари иш фаолиятини доимо ҳаракатдаги ўқувчилар орасида ўтказади.

Асқар СУЛАЙМОНОВ,
Сирғали туманидаги 237-мактаб директори

Sport

«ЁШЛИК» ДЕБ АТАЛАДИ

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни кенг ривожлантиришга ҳукуматимиз томонидан берилаётган эътиборни яққол кўриб турибмиз. Республика пойтахти ва вилоят марказларида қад кўтараётган замонавий спорт иншоотлари — теннис кортлари, ўйингоҳлар, футбол майдончалари, сув ҳавзалари баркамол авлодни тарбиялаш борасида чиқарилган қарорларнинг изчил амалга оширилаётганлиги далилидир.

Пойтахтимиздаги республика Таълим маркази мажлислар залида ўтказилган «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгаши-нинг II республика ҳисобот-сайлов конференциясида «Жамият Марказий кенгашининг 1993-1997 йиллар мобайнида қилган ишлари ҳамда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш вазифалари ҳақида» Марказий кенгаш раиси М. Ҳайдаров маърузаси тингланди ва муҳокама қилинди. Маърузачи ўтган беш йил мобайнида Марказий кенгаш ва унинг жойлардаги ташкилотлари республика ҳукумати, Халқ таълими вазирлиги, Давлат спорт қўмитасининг жисмоний тарбия ва спорт масалалари юзасидан чиқарган қарорларини бажариш борасида амалга оширган ишлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Нотиқ қайд этиб ўтганидек, жамиятнинг марказий ва маҳаллий кенгашлари халқ таълими органлари билан мустаҳкам ҳамкорликда иш олиб бориб, асосий эътиборни ўқувчилар ва жисмоний тарбия жамоалари ўртасида жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ишлари оммавийлигини юксалтириш, шунингдек, уларнинг спорт маҳоратини оширишга қаратдилар.

Жисмоний тарбия жамоаларида «Қувноқ стартлар» шиори остида тўрт босқичда ўтказиб келинаётган мусобақалар ўқувчилар ўртасида спортни кенг оммалаштириш омили бўлиб қолди. Шунингдек, мактабгача тарбия муассасаларида уюштирилаётган «Соғломжон — полвонжон», бошланғич синф ўқувчиларининг спорт фестивали, кичик ёшдаги ўқувчиларнинг «Футбол ғунчалари» мусобақалари, югурувчилар куни, «Қувноқ дельфин» ва бошқа тадбирлар оммавийликни оширишга хизмат қилмоқда.

Маърузачи республика Вазирлар Маҳкамасининг 1993 ва 1996 йиллардаги футболни ривожлантириш юзасидан чиқарган қарорлари, Халқ таълими вазирлигининг тегишли буйруқлари асосида амалга оширилган ишларга кенг тўхталиб ўтди.

Спортнинг бу тури бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва бўлимлари, спорт секциялари тармоқлари кўпайди.

Ёш футболчилар жамоаларо, туман, шаҳар, вилоят ва республика биринчилиги мусобақаларида қатнашиб келишмоқда. Улар орасидан энг қобилиятлилари турли терма командаларга, шунингдек, биринчи ва олий лига командаларига қабул қилинмоқда. Ҳозирги кунда Узбекистон миллий терма командасига 9 нафар, олимпия командасига 12 нафар ёш футболчи киритилган. Халқ таълими тизимидаги ўқув юртларининг 250 га яқин талабаси биринчи ва олий лига командаларида ўйнамоқда.

Ҳукумат қарори асосида барча вилоятларда футбол мактаб-интернатлари ташкил этилди. Ҳозир 15 та футбол мактаб-интернатларида 1682 ўқувчи тарбияланмоқда. Уларга 77 тренер-ўқитувчи билим ва тарбия бераётир. Уларнинг 75 фоизи олий маълумотлидир.

Нотиқ спорт ишлари ривожида муҳим ўрин тутувчи муассаса — болалар-ўсмирлар спорт мактаблари фаолияти ҳақида ҳам атрофлича тўхталиб ўтди. Ҳозирги кунда 366 та болалар-ўсмирлар спорт мактабида 200 мингга яқин ўқувчи спортнинг 41 тури билан шуғулланаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Халқ таълими тизимидаги спорт мактаблари ўртасида Тошкент шаҳри, Самарқанд, Жиззах, Бухоро ва Тошкент вилоятлари БЎСМлари, шунингдек, бошқа ҳудудлардаги болалар-ўсмирлар спорт мактаблари беш йиллик якунларига кўра дуруст натижаларга эришдилар. Жумладан, «Меҳнат резервлари» КСЖ Марказий кенгашининг комплекс ихтисослашган олимпия резервлари болалар-ўсмирлар мактаби талабалари турли халқаро учрашувларда, жаҳон чемпионатларида, Осиё ва Олимпия ўйинларида 1993-97 йиллар мобайнида 78 та олтин, 81 та кумуш, 73 та бронза медаллари соҳиби бўлишди.

Ҳисобот маърузасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда ҳал этилмаган муаммолар кўплигига, моддий базанинг етишмаслиги, кадрлар қунимсизлиги, спорт секциялари ишларининг изчил ишламаслиги, юқори даражадаги спортчилар тайёрлаш бир қатор вилоятларда ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигига эътибор жалб этилди. Айниқса, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Жиззах вилоят кенгашларида истиқболли спорт ўринбосарларини танлаш ва қидириб топиш талаб даражасида эмаслиги таъкидланди.

Ҳисобот конференцияда тафтиш комиссияси раиси Ҳ. Мирзаев маърузаси эшитилди. Шундан сўнг ҳисобот маърузаси юзасидан сўзга чиққан Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Йўлдошев, Навоий вилоятининг Қизилтепа тумани «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти раис ўринбосари Б. Темиров, стол тенниси бўйича халқаро мусобақа ғолиби олтиариқлиқ ўқитувчи Н. Сотволдиева, давлат Спорт қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ш. Тулаганов, Тошкент вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли 1-ихтисослашган болалар-ўсмирлар олимпия резервлар мактаби директори Г. Якобсон, Халқ таълими вазирлиги жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Р. Саломов жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги муаммолар, жумладан оммавийлик ва юқори даражадаги спортчиларни тайёрлаш, қишлоқ жойларда спортни кенг ривожлантириш, жисмоний тарбия ўқитувчилари тайёрлаш, спорт секциялари ишининг барқарор фаолият кўрсатиши каби бир талай муаммоларга эътиборни қаратишди ва «Меҳнат резервлари» КСЖ Марказий кенгаши фаолиятини қониқарли деб эътироф этишди.

Конференцияда жамият Марказий кенгаши, тафтиш комиссияси, Марказий кенгаш раёсати сайланди.

«Меҳнат резервлари» КСЖ II ҳисобот-сайлов конференцияси делегатлари, жойлардаги маҳаллий кенгашлари аъзолари «Меҳнат-резервлари» жамияти номини «Ёшлик» жамияти деб аталишини таклиф қилишганлиги сабабли у бундан сўнг янги ном билан юритиладиган бўлди. «Ёшлик» жамиятининг устави лойиҳаси, рамзий белгилари делегатлар томонидан тасдиқланди.

«Ёшлик» кўнгилли спорт жамиятининг биринчи ташкилий пленумида М. Ҳайдаров очиқ овоз бериш йўли билан Марказий кенгаш раиси этиб сайланди.

Ғафур МАННОПОВ

Sport

ЯНГИ СПОРТ САРОЙИ

Жиззахда замонавий типдаги усти ёпиқ сув спорти зали қуриб ишга туширилди. Энди вилоят спортчилари қишда ҳам, ёзда ҳам бемалол машғулотлар ташкил этиш ҳамда турли тоифадаги мусобақаларни бемалол ўтказишлари мумкин. Саройнинг очилиш маросимида бир қанча нуфузли спортчи ва раҳбарлар иштирок этди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ МАЛАЙЗИЯДА

Ушбу мамлакатда шахмат бўйича Осиё аёллари ўртасида еттинчи чемпионат ўтказилди. Унда ўзбекистонлик спортчилардан Ирина Горшкова 6-ўринни, Рене Мамедова эса тўртинчи ўринни эгалладилар. Муҳими шуки, ҳамюртимиз Рена Мамедова халқаро тоифадаги спорт устаси номига эришди.

ҚУРЪА НАТИЖАЛАРИ

Футбол бўйича Осиё кубоклари ўйинларига қуръа ташланди. Маълумки, бизникилардан «Нефтчи» чемпионлар, «Пахтакор» эса кубок эгалари кубогида иштирок этишади. Қуръа натижасига кўра, «Нефтчи» биринчи учрашувда Қўрғонтепанинг «Вахш», «Пахтакор»чилар Хўжанднинг «Хўжанд» командаларига қарши майдонга тушадилар.

ҲАММА ПУЛ ТЕННИСДА

Ишонмасангиз, бизнинг рақамларга мурожаат қилинг. Машҳур теннисчи Марселио Риос кейинги уч ой ичида 1 миллион 17 минг 118 АҚШ долларини ишлаб олди. Петр Корда эса, бу вақт мобайнида 658 минг 496 доллар, Евгений Кафельников 324 минг 140 доллар даромад қилдилар. Қиссадан ҳисса шу — теннисни ўрганинг, бой бўласиз.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

Футбол бўйича жаҳон чемпионати олдидан барча терма командалар ўртоқлик учрашувларини ўтказишмоқда. Баъзи бир учрашувлар натижалари билан танишинг: Германия — Нигерия — 1:0, Австрия — АҚШ — 0:3, Дания — Норвегия — 0:2, Италия — Парагвай — 3:1, Ирландия — Аргентина — 0:2, Швеция — Франция — 0:0, Хорватия — Польша — 4:1, Югославия — Корея — 3:1.

maydonchasi

Xullas...

ИЛК БОР ФРАНЦИЯДА

Бизга баъзан овқатланиш маҳали санчқилар асқотади. Пичоқдан фойдаланмаган вақтда санчқилар ўнг қўлимизда, пичоққа эҳтиёж сезганимизда эса чап қўлимизда ўз вазифасини ўтайди.

Хўш, бу асбоб илк бор қайси мамлакатда пайдо бўлган? Санчқиларни 800 йил муқаддам Францияда ўйлаб топишган. Россияда эса, Пётр I замонида ишлатила бошлаган экан.

АКТРИСАНИНГ МУРУВВАТИ

Голливудлик кино актрисаси Миа Фарроу ўз фарзандлари учун жонини фидо қилишга тайёр турувчи оналардек хислатга эга бўлиб чиқди. У ночор шароитда яшаётган 12 нафар ўғил-қизни ўз қарамоғига олиб, оналик меҳрини намойиш этмоқда.

Яқинда у Габриел исмли ўн учинчи ҳинду болага ҳам мурувват кўрсатди.

Актриса ирқию миллатидан қатъи назар болаларни яхши кўради. «Ер юзида оғир шароитда яшаётган болаларни кўрсам, мендаги раҳм-шафқат ҳисси бош кўтаради» деб таъкидлайди ўнлаб роллар ижро этган бу аёл.

ДАҲШАТЛИ КЎРГАЗМА

Кўргазмалардан бири «Тана фожиаси» деб номланади. Петроградда ташкил қилинган, бу кўргазмага кирсангиз, лабингизга учуқ тошиши ҳеч гап эмас, нақ даҳшатнинг ўзи.

Кўргазмада намойиш этилган бадбашара, қўрқинчли қиёфалар аслида жонсиз. Лекин уларда акс этган уч кўзли найрангбоз, икки бошли одам, сиам эгизаклари, оға-ини Токкиалар, соқолли бўлиб туғилган француз аёли, исландиялик чўчқатумшуқ аёл, икки баданли мушкетёр... қачонлардир яшаб ўтишган. Бу қиёфаларнинг ирсиятга умуман дахли йўқ эмиш — мутахассислар шундай дейишмоқда.

«Шамдан ясалган одамлар» фирмаси ходимларига уларнинг ҳақиқий башараларини акс эттириш осон бўлгани йўқ. Улар қанчадан қанча ҳужжатларни титкилаб, ўтмишни ўрганмади дейсиз? Бу одамларнинг аксарияти саройларда қизиқчилик қилишган, хизматларига яраша жарақ-жарақ пул топишган. Ахир ким ҳам бундай ғалати тана эгалари қаршисида лол қолмаган дейсиз?

ana shunaqa gaplar

ҚУТЛОВ

Қашқадарё вилояти Қамаши туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси 14-ўрта мактаб биология фани ўқитувчиси Саодат Остоновни 50 ёшга тўлиши муносабати билан табриклайдилар. Фан фидойисига ижодий муваффақиятлар ёр бўлсин!

ҚАДРДОН ОПАМИЗ Марямхон САФАРОВА!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Тўртқўл шаҳридаги 1-мактаб-интернат ўқувчиларига эзгуликдан сабоқ беришда, оилада меҳрибон она, суюкли умр йўлдош бўлишда ҳамиша сизга бахт ҳамроҳ бўлсин.

Сингилларингиз: Ойгул, Дилбар.

Ўз умрини ёшларга билим бериш билан бирга республикамиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бағишлаётган олим Миртилла Мирзаевич Пирметов 60 ёшга тўлди. 45 йиллик умрини қишлоқ хўжалигига бахшида этган устозни ТИКХМИИ «Ер кадастри» кафедраси институти жамоаси чин дилдан қутлайди.

ЭЪЛОН!
ҚАДРЛИ ҚИЗЛАР

Агар сиз тикувчилик касбини эгалламоқчи бўлсангиз, тикиш, кийимларни лойиҳалаштириш, модали кийимларни бичишни моделлаштириш, машинада кашта тикиш сирларини эгалламоқчи бўлсангиз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА КАСБ-ҲУНАР ЛИЦЕЙИГА ЎҚИШГА КИРИНГ.

Келишилган шартномалар, танлов асосида ўқишга 9 ва 11-синфни тугатган қизлар қабул қилинади.

9-синфни битирган қизлар 2 йил ўқийдилар. Уларга ҳар ойда 1350 сўмдан 1717 сўмгача стипендия берилади.

11-синфни битирган қизлар эса 1 йил ўқийдилар ва ҳар ойда 1350 сўмдан то 1717 сўмдан ортиқ стипендия берилади.

КАСБ-ҲУНАР ЛИЦЕЙИНИ битирганлар эгаллаган касби бўйича малака разряллари белгиланган аттестат оладилар. Улар ширкатлар, ижара, хўжалик ҳисобидаги давлат корхоналарида ишлаш имкониятларига эга бўладилар.

ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ!

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:
1. Касб-ҳунар лицейи Бош раҳбари номига ариза
2. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома, шаҳодатнома
3. Турар жойидан маълумотнома
4. 6 дона 3х4 см ҳажмда фотосурат
5. Танлаган касби бўйича шуғулланиши мумкинлиги ҳақида ёзиб кўрсатилган тиббий маълумотнома (086-У).
6. Ота-онаси иш жойидан маълумотнома.

Фақат бизнинг пуллик 7 ойлик курсда аниқ мақсад асосида мутахассис конструкторлар, аёллар кийим-кечаги бўйича модельер, бадиий каштачилик бўйича юқори малакали усталар тайёрланади. Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

Тошкент шаҳри, Мироқилов кўчаси, 68-уй. Бобур парки бекати — автобуслар: 38, 58, 57, 67, 11, 32, 76.

Троллейбуслар: 13, 16, 11, 14, 6, 7. Трамвайлар: 4, 7, 9, 24, 28.

Телефон: 55-78-28, 55-78-30. (Мулжал: Низомий номидаги педагогика университети).

Т. Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти қуйидаги лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Бўлим мудири (педагогика фанлари доктори ёки номзоди):

педагогика назарияси ва тарихи; санъат ва чизмачилик назарияси ва методикаси; маънавият, маърифат ва адабий таълим назарияси ҳамда методикаси; мактабгача ва бошланғич таълим назарияси ва методикаси; хорижий тилларни ўқитиш назарияси ва методикаси; физика, астрономия фанлари таълими назарияси ҳамда методикаси; кимё, биология, география, экологик таълим назарияси ва методикаси; касбий таълим ва иқтисодий билимлар педагогикаси; таълим мазмуни ва стратегик йўналишларни аниқлаш бўлими; ўзбек тили таълими назарияси ва методикаси; ўқувчилар ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш, соғлом авлод учун муаммолари бўлими.

Лаборатория бошлиғи (педагогика фанлари доктори ёки номзоди): психология ва дефектология; жаҳон таълим тизимини ўрганиш; ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари муаммолари; маънавият ва маърифат; таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш назарияси ҳамда методикаси лабораториялари.

Ариза ва ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун муддат ичида қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент-66, Олмазор кўчаси, 174-уй, 31-хона.
Тел.: 45-66-45, 45-66-44

ЭЪЛОН

Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги 65-мактаб томонидан 1996 йилда Боллиева Умида номига берилган № 150711 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

* * *

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Оила ва Ғуломиддин» хусусий фирмаси

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

***

Ҳунар-техника ходимлари малакасини ошириш республика институтининг 1995 йил 7.06 да берилган хўжалик субъектининг корхоналар ва ташкилотларнинг давлат регистрига киритиш тўғрисидаги йўқолган гувоҳномаси

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Узбекистон Халқ таълими вазирлиги, Узбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Зубайда УСМОНОВА,
Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-021. Тиражи 44.082. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6